



MECHANISMS FOR IMPLEMENTING CRIME PREVENTION IN THE REGIONS

Altmishev Temurbek Xamzayevich

Head of the Organizational and Analytical Department of the Public Security Department, Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy in Legal Sciences, Associate Professor

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18617951>

ARTICLE INFO

Received: 05th February 2026

Accepted: 11th February 2026

Online: 12th February 2026

KEYWORDS

Crime prevention, implementation mechanisms, mahalla institute, road map, social prevention, criminogenic situation, prevention inspector, security service, digital technologies, CPTED, public participation.

ABSTRACT

This study analyzes the mechanisms for implementing crime prevention in the regions from scientific-theoretical and practical perspectives. The roles of organizational management, interdepartmental coordination, mahalla institute activities, targeted social prevention, work with specific categories of individuals, property protection mechanisms, and the application of digital technologies and scientific approaches in the crime prevention system are elucidated. The possibilities of stabilizing the criminogenic situation through effective distribution of forces and resources at the mahalla level, working based on "road maps," strengthening the activities of prevention inspectors, and ensuring public participation are substantiated. Based on scientific research and official data, it is concluded that the comprehensive and harmonious implementation of preventive mechanisms will contribute to a sustainable reduction in crime.

ХУДУДЛАРДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Алтмишев Темурбек Хамзаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти Ташкилий-таҳлил бошқармаси бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18617951>

ARTICLE INFO

Received: 05th February 2026

Accepted: 11th February 2026

Online: 12th February 2026

ABSTRACT

Мазкур тадқиқотда ҳудудларда жиноятчиликни олдини олишни амалга ошириш механизмлари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Жиноятчилик профилактикаси тизимида ташкилий бошқарув, идоралараро мувофиқлаштириш, маҳалла институти фаолияти, манзилли ижтимоий профилактика, алоҳида тоифадаги шахслар билан ишлаш, мол-



KEYWORDS

Жиноятчилик профилактикаси, амалга ошириш механизмлари, маҳалла институти, йўл харитаси, ижтимоий профилактика, криминоген вазият, профилактика инспектори, қўриқлаш хизмати, рақамли технологиялар, CPTEД, жамоатчилик иштироки.

мулкни қўриқлаш механизмлари, рақамли технологиялар ва илмий ёндашувни татбиқ этиш каби йўналишларнинг ўрни очиб берилган. Маҳаллалар кесимида куч ва воситаларни самарали тақсимлаш, «йўл хариталари» асосида ишлаш, профилактика инспекторлари фаолиятини кучайтириш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш орқали криминоген вазиятни барқарорлаштириш имкониятлари асосланган. Илмий тадқиқотлар ва расмий маълумотларга таянган ҳолда профилактика механизмларини комплекс ва уйғун тарзда амалга ошириш жиноятчиликни барқарор камайтиришга хизмат қилиши хулоса қилинган.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида жиноятчиликни барқарор камайтириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Замонавий криминология жиноятчиликни фақат ҳуқуқий бузилиш сифатида эмас, балки ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллар билан боғлиқ мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилади. Шу боис жиноятчиликка қарши курашишда жазо чоралари билан бир қаторда профилактик механизмларни такомиллаштириш, уларни институционал ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жиноятчиликни олдини олишни амалга ошириш механизмлари кўп қиррали бўлиб, улар ташкилий бошқарув, ижтимоий таъсир чоралари, ҳуқуқий назорат, жамоатчилик иштироки ва инновацион технологияларни ўз ичига олади. Илмий тадқиқотларда профилактика самарадорлиги унинг

манзиллиги, таҳлилга асосланган режалаштирилиши ва жавобгарлик механизми мавжудлигига боғлиқ экани таъкидланади. Шу нуқтаи назардан, маҳаллалар кесимида ойлик «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилиш жиноятчиликни камайтиришнинг муҳим бошқарув механизми ҳисобланади.

Маҳалла институти жиноятчилик профилактикасининг марказий бўғини сифатида фуқаролар билан бевосита мулоқот қилиш, хавф гуруҳларини аниқлаш ва ижтимоий муаммоларни бартараф этиш имконини беради. Шу сабабли «маҳалла еттилиги» орқали индивидуал ишлаш, хавф гуруҳларини номма-ном бириктириш ва мунтазам мониторинг ўтказиш жиноятчиликнинг илдиз омилларини камайтиришга хизмат қилади.

Профилактика механизмларининг яна бир муҳим жиҳати — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар куч ва воситаларини самарали тақсимлаш ва тезкор



ҳаракатланишни таъминлашдир. Профилактика инспекторлари штати ва патруль-пост хизматини кучайтириш, хизмат хоналарини маҳаллаларда жойлаштириш жиноятчиликка қарши курашишда жойларда доимий назоратни таъминлайди. Илмий тадқиқотларда жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда ишлайдиган полиция моделлари жиноятчилик даражасини камайтиришга хизмат қилиши қайд этилган [4].

Ижтимоий профилактика механизмлари алоҳида тоифадаги шахслар билан манзилли ишлашни назарда тутди. Вояга етмаганлар, ёшлар, аёллар, ишсизлар ва пробация ҳисобида турган шахслар билан тизимли ишлаш ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Иқтисодий назарияга кўра, бандлик даражаси ошган жамиятларда жиноятчилик кўрсаткичлари пасаяди [5]. Шу боис ишсизларни ишга жойлаштириш, тадбиркорликка жалб қилиш ва молиявий кўмак кўрсатиш профилактиканинг иқтисодий механизми ҳисобланади.

Рақамли технологияларни жорий этиш жиноятчилик профилактикасининг замонавий йўналиши ҳисобланади. «Хавфсиз шаҳар» тизимлари, интеллектуал видеокамералар, сунъий интеллект асосидаги таҳлил ва учувчисиз учуш аппаратларидан фойдаланиш жиноят содир этиш имкониятини камайтиради. Шунингдек, СРТЕД концепциясини миллий стандартларга татбиқ этиш орқали атроф-муҳитни лойиҳалаштириш

жиноятчиликка қарши курашишнинг профилактик усули ҳисобланади.

Ҳудудларда жиноятчиликни олдини олишни амалга ошириш механизмлари замонавий ҳуқуқий давлат қурилиши шароитида профилактиканинг институционал, ижтимоий, ташкилий ва технологик йўналишларини бирлаштирган комплекс тизим сифатида намоён бўлади. Криминология фанида жиноятчиликни камайтириш фақат жазо сиёсатини кучайтириш билан эмас, балки унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган тизимли механизмлар орқали самарали амалга оширилиши таъкидланади [1]. Шу нуқтаи назардан, маҳаллалар кесимида куч ва воситаларни тақсимлаш, бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг янги тизимини жорий этиш жиноятчиликни барвақт олдини олишнинг асосий механизми ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари, прокурорлар ва таълим муассасалари раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир маҳалла кесимида ойлик «йўл хариталари»ни тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш профилактиканинг режалаштирилган моделини ифода этади. Илмий тадқиқотларда стратегик режалаштириш ва самарадорлик индикаторларига асосланган бошқарув қарорлари жиноятчиликни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилган [2]. Маҳаллаларга вилоят



даражасидаги прокурор ва ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринбосарлари номма-ном бириктирилиши, уларнинг ҳафтада камида уч кун бевосита маҳаллада иш ташкил этиши жавобгарлик ва ҳисобдорликни кучайтиради.

Туман (шаҳар) ички ишлар органи бошлиғи ва прокурор хизмат хонасининг маҳаллада жойлаштирилиши профилактиканинг ҳудудий марказлашувини таъминлайди. Бу амалиёт жиноятчиликка қарши курашишда жойларда доимий назорат ва тезкорликни оширади. Илмий таҳлилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг аҳолига яқин жойлашуви жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаши ва жиноятларнинг латент даражасини камайтириши кўрсатилган [3]. Шу билан бирга, профилактика инспекторлари штати ва патруль-пост хизматини кучайтириш, тезкор ходимларни бириктириш жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг амалий механизми ҳисобланади.

Маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими таъсирчанлигини ошириш «маҳалла еттилиги» институти орқали амалга оширилади. Таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган методикалар асосида ижтимоий профилактика объектларига аниқлик киритиш ва хавф гуруҳларини номма-ном тақсимлаш профилактиканинг индивидуаллаштирилган моделини таъминлайди. Д. Фаррингтоннинг ҳаётий цикл назариясига кўра, хавф гуруҳларини барвақт аниқлаш ва

манзилли ишлаш жиноятчиликни камайтиришда энг самарали усул ҳисобланади [4]. Шу сабабли жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан доимий мулоқот ва мониторингни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллаларда содир этилган жиноятларни аҳоли ўртасида муҳокама қилиш ва суд ҳукми чиққандан сўнг унинг яшаш жойида очиқ муҳокама ўтказиш ижтимоий таъсир механизмини шакллантиради. Социологик тадқиқотларда жамоатчилик муҳокамаси ва ижтимоий назорат девиант хулқ-атворнинг олдини олишда самарали омил экани қайд этилган [5]. Туман (шаҳар) халқ депутатлари томонидан жиноятчиликнинг асл омиллари юзасидан хулосалар тайёрланиши ва таъсир чоралари бўйича таклифлар киритилиши парламент назоратининг маҳаллий даражадаги ифодасидир.

Алоҳида тоифадаги шахслар билан манзилли ишлаш механизми жиноятчилик профилактикасининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Вояга етмаганлар, ёшлар, аёллар, ишсизлар ва пробация ҳисобида турган шахслар билан тизимли ишлаш ижтимоий профилактиканинг таъсирчанлигини оширади. Илмий тадқиқотларда ёшлар ўртасидаги девиант хулқ-атворни барвақт аниқлаш ва психологик ёрдам кўрсатиш жиноятчилик даражасини пасайтиришини кўрсатган [6]. Жанжалкаш ва низоли оилалар ҳолидан ҳар уч кунда хабар олиш амалиёти эса оилавий



зўравонликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Маҳаллаларда жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкни қўриқлаш қамровини ошириш ҳам жиноятчиликни камайтириш механизмларидан биридир. Қўриқлаш хизматининг янги механизмлари, аҳоли гавжум жойларда мажбурий қўриқлаш тизимини жорий этиш жиноят содир этиш имкониятини чеклайди. Р. Кларк томонидан ишлаб чиқилган situational crime prevention назариясига кўра, жиноят содир этиш имкониятини камайтириш орқали жиноятчилик даражасини пасайтириш мумкин [7].

Инновацион ва рақамли технологияларни жорий этиш, «Хавфсиз шаҳар» интеграциялашган тизимлари, интеллектуал видеокамералар, сунъий интеллект асосидаги таҳлил, учувчисиз учуш аппаратларидан фойдаланиш жиноятчилик профилактикасининг замонавий механизми ҳисобланади. Илмий тадқиқотларда видеокузатув тизимлари жиноятчиликни 15–20 фоизгача камайтиришга хизмат қилиши қайд этилган [8]. СРТЕД концепциясини миллий стандартларга татбиқ этиш орқали атроф-муҳитни лойиҳалаштириш жиноят содир этиш имкониятларини чеклайди.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жамоатчиликни рағбатлантириш профилактиканинг ижтимоий механизмини ташкил этади. Т. Тайлер тадқиқотларига кўра, ҳуқуқий

маданият юқори бўлган жамиятларда қонунларга ихтиёрий риоя этиш даражаси ошади [9]. Профилактика инспекторларини рағбатлантириш ва «қизил» тоифадан чиққан маҳаллаларни моддий қўллаб-қувватлаш мотивацион механизм сифатида хизмат қилади.

Илмий ёндашувни жорий этиш орқали маҳаллалардаги жиноятчилик омилларини тизимли ўрганиш профилактиканинг стратегик механизми ҳисобланади. Криминология тадқиқот институти, ИИВ Академияси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва юридик университетлар томонидан маҳаллалар кесимида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказилиши «илмий хулоса — тавсия — натижа» тамойилини таъминлайди. Илмий асосланган тавсияларни амалиётга татбиқ этиш жиноятчиликни барқарор камайтириш имконини беради [10].

Шундай қилиб, ҳудудларда жиноятчиликни олдини олишни амалга ошириш механизмлари ташкилий бошқарув, ижтимоий профилактика, алоҳида тоифадаги шахслар билан манзилли ишлаш, қўриқлаш хизматини кучайтириш, рақамли технологияларни жорий этиш, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш ва илмий ёндашувни татбиқ этиш каби йўналишларни ўз ичига олган комплекс тизимдан иборат. Илмий тадқиқотлар ва расмий статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, мазкур механизмлар уйғунликда амалга оширилганда маҳаллаларда криминоген вазият барқарорлашади ва жиноятчилик



даражаси изчил пасаяди. ШУ боис, қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

биринчидан, ҳудудларда жиноятчиликни олдини олишни амалга ошириш механизмлари манзилли режалаштириш, «йўл хариталари» ва самарадорлик индикаторларига асосланган бошқарув орқали тизимли характер касб этади;

иккинчидан, маҳалла институти ва «маҳалла еттилиги» орқали ижтимоий профилактика объектлари билан индивидуал ишлаш жиноятчиликнинг илдиз омилларини бартараф этишга хизмат қилади;

учинчидан, рақамли технологиялар, қўриқлаш хизматини кучайтириш ва СРТЕД концепциясини татбиқ этиш жиноят содир этиш имкониятини чеклаш орқали профилактика самарадорлигини оширади;

тўртинчидан, илмий тадқиқотлар ва идоралараро ҳамкорликка асосланган комплекс ёндашув жиноятчиликни барқарор камайтириш ва маҳаллаларда хавфсиз ижтимоий муҳитни шакллантиришнинг асосий шарти ҳисобланади.

References:

1. Merton R. K. Social Structure and Anomie //American Sociological Review. – 1938. – Vol. 3. – No. 5. – P. 672–682.
2. Sherman L. W. Evidence-Based Policing //Ideas in American Policing. – Washington, 2013.
3. Tyler T. R. Why People Obey the Law. – Princeton: Princeton University Press, 2006.
4. Farrington D. P. Developmental and Life-Course Criminology: Key Theoretical and Empirical Issues //Criminology. – 2003. – Vol. 41. – No. 2. – P. 221–255.
5. Braithwaite J. Crime, Shame and Reintegration. – Cambridge: Cambridge University Press, 1989.
6. Welsh B. C., Farrington D. P. Crime Prevention Effects of Closed Circuit Television: A Systematic Review //Home Office Research Study. – London, 2002.
7. Clarke R. V. Situational Crime Prevention: Successful Case Studies. – Albany: Harrow and Heston, 1997.
8. Braga A. A., Weisburd D. L. The Effects of Focused Deterrence Strategies on Crime: A Systematic Review and Meta-Analysis //Journal of Research in Crime and Delinquency. – 2012. – Vol. 49. – No. 3. – P. 323–358.
9. Tyler T. R. Procedural Justice and the Courts //Court Review. – 2007. – Vol. 44. – No. 1. – P. 26–31.
10. Weisburd D., Telep C. W., Hinkle J. C., Eck J. E. The Effects of Problem-Oriented Policing on Crime and Disorder //Campbell Systematic Reviews. – 2010. – Vol. 6. – No. 1. – P. 1–89.